

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У суви пок, ўлимтиги ҳалол нарсадир», дедилар».

«Сунан» китоблари эгалари ривоят қилганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саволга жавоб бера туриб, денгиз сувининг ҳукми ва ўзи ўлиб қолган денгиз ҳайвонларининг ҳукмини баён қилмоқдалар.

Саҳобаи киромларнинг иштибоҳли нарсаларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраш одатлари бор эди. Денгиз сафарига тез-тез чиқиб турадиган бир одам денгиз суви ила таҳорат қилса бўладими-йўқми, билгиси келди. Денгиз сувини ичиб бўлмаслигидан, унинг таъми, ранги, ҳиди бошқачароқлигидан кўнглига шубҳа тушган бўлса керак.

У киши ниҳоят:

«Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, биз денгиз (кемаси)га минамиз. Ўзимиз билан озгина сув оламиз. Агар у билан таҳорат қилсак, чанқаймиз. Денгизнинг сувидан таҳорат қилаверайликми?» деб сўради.

Савол жуда ўринли эди. Денгизда юрган одам одатда ичимлик сувидан ва таҳорат қилинадиган сувдан узоқда бўлади. Ўзи билан олган суви эса ичишга зўрға етади. Шу билан бирга, у мусулмон, ибодат қилиши фарз. Ибодат учун эса таҳорат шарт. Шунинг учун у киши Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Денгиз сувидан таҳорат қилса бўладими?» деб сўрамоқда.

Бу саволга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қисқа ва лўнда жавоб бердилар:

«У суви пок, ўлимтиги ҳалол нарсадир», дедилар. Яъни, денгизнинг суви пок, денгиз ҳайвонларининг ўлимтиги эса ҳалолдир.

Кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз жавобни икки ҳисса қилиб берганлар. Савол фақат денгиз суви ҳақида эди. Жавоб эса ҳам сув, ҳам ўлимтик ҳақида бўлди. Шундан келиб чиқиб, уламоларимиз саволга керагидан ҳам ортиқ жавоб бериш мумкин, деган хулоса чиқарганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Иштибоҳли масалаларни ҳеч тортинмай, биладиган кишилардан сўраб олиш зарурлиги.
2. Денгиз сувининг пок эканлиги, яъни у билан таҳорат қилиш, ғусл қилиш, нопок нарса теккан жойларни ювиб ташлаш ва уни ичадиган ҳолга келтириб, истеъмол қилиш мумкинлиги.
3. Сув ҳайвонларининг ўлимтиги ҳалоллиги. Чунки уларда қон бўлмайди. Қони бор ҳалол ҳайвонларни шаръий йўл билан сўйиш шарт. Сув ҳайвонларида қон бўлмаганлиги туфайли уларнинг ўлимтиги ҳам ҳалол бўлаверади.

Уламолар «Мазкур ҳайвонларнинг сув ичида, яъни яшаш жойида ўлиб қолганлари ҳалол бўлмайди», деганлар. Чунки бирор зарарли нарса бўлмаса, сув ҳайвони сувда ўз ажалидан олдин ўлмаслиги аниқ.

Лекин тириклай овланган, яъни тутиб олинган сув ҳайвони қуруқликқа чиққач, ўлади. Ана шу ўлимтик ҳалол экан.

Шунингдек, уламолар баъзи сув ҳайвонлари, айниқса, сув чўққаси ҳақида ихтилофлар қилишган.

4. Берилган саволга керагидан ортиқ жавоб қайтариш яхшилиги.

Демак, денгиз сувини поклаш учун ишлатишимиз, денгиз ҳайвонлари ўлимтигини тановул қилишимиз мумкин.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди